



doi: doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a18

ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Муродова Дилноза Чориевна -
Тошкент молия институти
докторанти, PhD**

Аннотация. Ҳозирги даврда инфляция муаммоси иқтисодчи олимларнинг қайд этишича, ривожланмаган ёки ривожлананаётган мамлакатлар ҳамда иқтисодиёти тараққий топган мамлакатлар хукуматларининг ҳам асосий дикжат-эътиборида турган умумиқтисодий ҳолат ҳисобланади. Мақолада инфляцияга қарши курашиш ва уни бартараф этиши билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий тақлийлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: марказий банк, инфляция, пул-кредит сиёсати, тўлов тизими, бюджет сиёсати, экспорт, инфляцион таргетлаш, реал курси, номинал курси.

БОРЬБА С ИНФЛЯЦИЙ И СПОСОБЫ ЕЁ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ

**Муродова Дилноза Чориевна -
Ташкентского финансового института PhD, докторант**

Аннотация. По мнению экономистов, проблема инфляции в текущий период является общеэкономическим состоянием, которое находится в центре внимания правительства слаборазвитых или развивающихся стран, а также стран с развитой экономикой. В статье обозначены актуальные проблемы, связанные с борьбой с инфляцией и ее устранением, и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: Центральный банк, инфляция, денежно-кредитная политика, платежная система, бюджетная политика, экспорт, инфляционное таргетирование, реальный обменный курс, nominalный обменный курс.

FIGHTING INFLATION AND WAYS TO PREVENT IT

**Murodova Dilnoza Chorievna -
Tashkent institute of finance
PhD(in economics), doctoral student**

Abstract. According to economists, the problem of inflation in the current period is a general economic condition that is in the focus of attention of governments of underdeveloped or developing countries, as well as countries with developed economies.

The article outlines the actual problems associated with the fight against inflation and its elimination, and developed scientific proposals aimed at solving them.

Key words: Central bank, inflation, monetary policy, payment system, fiscal policy, exports, inflation targeting, real exchange rate, nominal exchange rate.

Кириш. Юртимизда инфляцияга қарши курашиш ва уни бартараф этиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида жаҳон тажрибасини пухта ўрганиб, ҳалқаро эксперталарни жалб этган ҳолда, монетар сиёсатни такомиллаштириш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги белгиланган [1].

Айни вақтда республикамиизда инфляция билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Хусусан, нархларнинг эркинлаштирилиши ва унинг давоми бўлган маълум нархларнинг мувофиқлаштирилиши инфляция суръатларини тезлаштиради. Шунга мос равишда, товар ва меҳнат бозорларининг мослашувчан эмаслиги ва нархлар индексацияси, қоидага

кўра, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда инфляциянинг ошишига олиб келиши шулар жумласидандир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Инфляция лотинча “inflatio” сўзидан олинган бўлиб, “шиш”, “бўртиш”, “кўпчиш” деган маънони англатади [2].

К.Р.Макконнелл, С.Брю ва К.Еклунд инфляцияни иқтисодиётда баҳоларнинг ўртача кўтарилиши [3] деб таъриф беришса, П.Хейни эса пулнинг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши ёки қийматининг йўқолиши эканлигини таъкидлайди [4].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан, профессор Ш.Абдуллаева инфляциянинг иқтисодий моҳиятига: “Инфляция сўзининг иқтисодий моҳияти муомалада мавжуд бўлган товарлар ва уларнинг баҳосига нисбатан кўп пул

чиқариш деган маънони англатади”, – дея таъриф беради [5].

П.Грауд ва М.Полан томонидан амалга оширилган ва инфляцияга бағишлиланган жиддий илмий тадқиқотлардан бири бўлиб, ушбу илмий иш 165 мамлакатни ва 1969-1999 йилларни қамраб олади [6]. Мазкур тадқиқот муаллифлари инфляциянинг миқдорийлик назарияси қоидаларидан бири бўлган – “пулларнинг ўсиш суръати ва инфляция даражаси ўртасида тўғри мутаносиблик мавжуд” деган қоида тўғри ва статистик маълумотларда тасдиқланади, деган хуносага келдилар [6].

П.Грауд ва М.Полан томонидан инфляция даражасини уч қисмга ажратган ҳолда – паст, оқилона ва юқори даражаларга ажратган ҳолда, пуллар таклифи ва инфляция суръатлари ўртасидаги боғлиқликни, корреляцион таҳлил натижаларига таянилган ҳолда, асослаб берилганини инфляция ва миллий валютанинг номинал алмашув курси ўртасидаги боғлиқлик масаласига ойдинлик киритади.

Л.Катао ва М.Терронзанинг илмий ишида инфляциянинг юқори суръатларда ўсиши, одатда, давлат бюджети дефицитини молиялаштириш билан боғлиқ. Бюджет сиёсати ва инфляция ўртасидаги боғлиқлик масаласи чуқур тадқиқ қилинган [7].

Мазкур тадқиқотнинг жиддийлиги шундаки, Л.Катао ва М.Терронза 107 мамлакат бўйича 1960 йилдан 2001 йилгача бўлган даврда инфляция ва бюджет дефицити ўртасидаги боғлиқлик масаласини тадқиқ қилингандар. Бу борада мавжуд бўлган тенденцияларни баҳолаш имконини берадиган муҳим хуносаларни шаклантиргандар.

Ана шундай хуносалардан бири, инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда давлат бюджети дефицитининг қисқариш суръати билан инфляция даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд, деган хуноса ҳисобланади. Ушбу хуноса аниқ ҳисоб-китобларга асосланган: инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 50 фоизга яқин бўлган мамлакатларда давлат бюджети дефицитининг ЯИМдаги салмоғи 1 фоизли пунктга қисқариши инфляциянинг 8,75 фоизли пунктуга пасайишига олиб келади. Бунда давлат бюджети дефицити ва инфляция ўртасидаги сезиларли статистик боғлиқлик нафақат юқори инфляция шароитида, балки оқилона инфляция шароитида ҳам кузатилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ривожланган саноат мамлакатларида ва инфляция даражаси жуда паст бўлган мамлакатларда давлат бюджети дефицити ва инфляция ўртасидаги сезиларли боғлиқлик тадқиқот жараёнида кузатилмаган. Бу эса Л.Катао ва М.Терронзанинг фикрига кўра, қўйидаги омиллар билан изоҳланади:

- ҳукуматга нисбатан ишончнинг юқори эканлиги;
- марказий банклар мустақиллигининг институционал жиҳатдан ҳимояланганлиги;
- молия тизимининг ривожланганлиги.

Г.Хесс ва Ч.Морриснинг фикрига кўра, баҳоларнинг сезиларсиз даражадаги ўсиши ҳам иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади [8]. Уларнинг фикрига кўра, баҳоларнинг унчалик сезиларли даражада бўлмаган ўсиши ҳам инфляция динамикасидаги ноаниқликни кучайтиради. Бу эса ўз навбатида, тижорат банклари кредитлари фоиз ставкасининг ўсишига олиб келади. Чунки кредитларнинг фоиз ставкаси ўзида нафақат кутилаётган инфляцияни, балки ризк учун кўшимча устамани ҳам акс эттиради. Натижада мамлакатдаги иқтисодий фаолликка ва ахолининг турмуш даражасига нисбатан кучли салбий таъсир юзага келади.

Проф. М.Пивоварованинг фикрига кўра, инфляциянинг унча юқори бўлмаган даражаси иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, бундай шароитда антиинфляцион сиёсатни амалга ошириш ишлизикнинг ўсишига, иқтисодиётнинг пасайишига олиб келади [9]. Бундай шароитда, одатда, пуллар таклифи устидан қаттиқ назорат ўрнатилади.

Қҳан М.Сенҳаджи ХВФ эксперталарининг хуносасига кўра, ривожланган давлатларда инфляция йиллик даражасининг З фоиздан ошиши иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли даражада секинлашишига олиб келади [10].

Базавий инфляцияга бағишлиланган илмий тадқиқот ишлари мажмуида Г.Бровер ва Н.Эриксон томонидан инфляциянинг номонетар омилларини тадқиқ қилишга бағишлиланган илмий изланиш ўзига хос ўрин тутади. Ушбу омиллар мазкур соҳада олиб борган тадқиқотларининг натижаларига асосланган ҳолда, инфляциянинг харажатли моделини (markup theory of inflation) яратдилар [11]. Мазкур модельда инфляциянинг узоқ муддатли динамикаси тадқиқ қилинади ва чиқим инфляциясининг асосий омиллари сифатида қўйидагилар эътироф этилган: а) иш ҳақи; б) коммунал хизматлар тарифлари; в) импорт қилинган хомашё ва бутловчи қисмларнинг баҳолари.

Иқтисодий адабиётларда базавий инфляцияга бағишлиланган кўплаб илмий изланишлар мавжуд бўлса-да, инфляциянинг базавий даражаси хусусида яқдил хуноса мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, кўпчилик иқтисодчи омиллар томонидан базавий инфляция инфляцион жараённинг узоқ муддатли тенденциялари сифатида эътироф этилган [12].

Базавий инфляция даражасини аниқлаш, биринчидан, Марказий банк пул-кредит сиёсати

доирасида тартибга солиш имконига эга бўлмаган номонетар инфляцион омилларнинг умумий инфляция даражасига таъсирини баҳолаш имконини беради; иккинчидан, қисқа муддатли даврий оралиқларда кучли ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлган истеъмол товарлари баҳоларининг ўзгариши таъсир этмайдиган инфляция жараёнининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш имконини беради; учинчидан, пул масасининг ўсиши ва инфляция суръатлари ўртасидаги боғлиқликнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш имконини беради. Айрим даврий оралиқларда пул массасининг ўсиши ва инфляция суръатлари ўртасида тўғри мутаносиблик кузатилмаслиги мумкин. Бу эса инфляцияни жиловлаш тактикаси ва стратегиясига Марказий банк томонидан жиддий ўзгартеришлар киритишни тақозо этади [13].

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонунга (2019 й.) мувофиқ, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг стратегик мақсадлари бўлиб, инфляцияга қарши курашиш, мамлакат банк тизими ва тўлов тизимларининг барқарорлигини таъминлаш бўлгани ҳолда, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи ва пул массасининг ўсиш суръати пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Марказий банк тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи расмий орган ҳисобланади.

Илмий тадқиқотни бажаришда статистик гурухлаш, индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Илмий мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотларидан, халқаро экспертларнинг илмий тадқиқот маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлиллар ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул-кредит сиёсати асосий вазифаларидан бири ҳам инфляция суръатларини пасайтиришдан иборат. Пул-кредит сиёсати макроиктисодий сиёсатнинг бир қисми бўлиб, марказий банклар томонидан ялпи пул таклифи ва фоиз ставкаларини бошқариш воситасида инфляциянинг паст барқарор даражада бўлишини таъминлаш ҳамда миллий валютага бўлган ишончни мустаҳкамлаш орқали барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида амалга ошириладиган сиёсатdir.

Юқорида қайд этилган масалалар тўла ҳал қилинса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсатини янада такомиллаштириш, демакки, натижада банк тизимини янада ривожлантириш мумкин. Бу, ўз навбати-

да, иқтисодий ўсиш суръатларини ошириши ва натижада аҳолининг турмуш даражасини янада ошириши мумкин.

Инфляцияни келтириб чиқарувчи биринчи сабаб мамлакатда бозор механизмларининг тўлиқ жорий этилмаслиги, давлатнинг бюджет даромадлари ва харажатлари устидан монопол тартибини жорий этиши ҳисобланади. Бунда давлат бюджетининг даромадларидан ортиқча бўлган харажатлар, яъни бюджет тақчиллиги муомалага қўшимча пуллар чиқариш йўли билан қопланади. Бюджет тақчиллигини қоплаш учун муомалага чиқарилган пуллар товар-моддий бойликлари билан таъминланмаганлиги оқибатида мамлакатда инфляция даражасининг ортишига олиб келади.

Иккинчи сабаби асосиз равищда иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг оширилиши, ушбу тўловлар давлат бюджети харажатлари таркибида кўзда тутилмаган бўлса, муомалага қўшимча эмиссия ҳисобига амалга оширилади. Бунинг натижасида иқтисодиётда товарлар ва хизматларнинг баҳоси ошади ва инфляция даражаси ортиб боради.

Учинчи сабаби мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг экспорт қилиш даражасининг пастлиги ва импорт даражасининг юқорилиги билан ифодаланади. Мамлакатга кириб келаётган импорт товарлар ҳисобига хорижий валюталарнинг четга оқиб кетиши юз беради, натижада мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарлар нафақат ташқи эҳтиёжларни, балки ички эҳтиёжларни қондиришига ҳам хизмат қилмай кўяди. Бунинг оқибатида миллий валютанинг сотиб олиш қобилияти тобора салбийлашиб, инфляция даражаси ортиб боради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг янги босқичида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мақсад ва вазифалари, институционал тузилиши тубдан қайта кўриб чиқилди. Пул-кредит сиёсати мантиқан янги тамойиллар асосида юритиладиган бўлди. Хусусан, мамлакатда ички нархлар барқарорлигини таъминлаш вазифаси Марказий банк фаолиятининг устувор мақсади сифатида белгиланди.

Бугунги кунда 40 дан ортиқ ривожланаётган ва ривожланган давлатлар инфляцияни таргетлаш режимига ўтган.

Хусусан, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Украина сингари давлатлар ҳам. Ўзбекистон ҳам инфляцион таргетлаш режимига ўтишда бир қанча ҳуқуқий асосларни яратди: 2017 йил 13 сентярдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ: 2017-2021 йилларда пул-кредит сиёсатини

янада такомиллаштириш ҳамда инфляциявий таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари комплекси; 2019 йил 18 ноябрдаги “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармон; 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонун.

Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил ва 2024-2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларида:

- ўрта муддатли истиқболда пул-кредит соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар, ташқи ва ички иқтисодий шароитлар ўзгаришлари-га Марказий банкнинг муносабати ва жавоб

чоралари, пул-кредит сиёсатини юритишдаги ёндашувлар акс эттирилган;

- келгуси йилларда ҳам пул-кредит сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор, иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлаш ва инфляция даражасини 5 фоизлик таргет даражасига қадар пасайтириш мақсадларига қаратилган;


- Марказий банк томонидан ўрта муддатли макроиктисодий прогнозлар 2 та сценарий асосида ишлаб чиқилди. Ташқи ва ички шароитлардаги, иқтисодий жараёнларнинг кечишидаги ва ислоҳотларнинг амалга оширилиши бўйича кутилмалардаги фарқлар асосий мезонлар этиб, белгилаб олинди.



Инфляция драйверлари


1-расм. Глобал инфляция жараёнлари [14]

Халқаро Валюта Жамғармасининг прогнозларига кўра, глобал инфляция кутилганидан кўпроқ вақт давомида юқорилигича сақланиб қолиши, аксарият давлатларда мақсадли кўр-




Глобал инфляция прогнози

саткичларга 2024 йилнинг охириларида келиниши кутилмоқда. Мамлакатимизда 2022 йилнинг декабрь ойида умумий инфляция 12,3 фоизни ташкил этди.



2-расм. Инфляция ва базавий инфляция динамикаси (фоизда) [15]

Базавий инфляция эса 13,8 фоизгача тезлашиди. Базавий инфляциянинг умумий инфля-



цияга оширувчи ҳиссаси 10,4 фоиз бандгача ошиди (йил бошида 6,6 фоиз банд).



3-расм. Аҳолининг инфляцион кутилмалари (2022 йил, фоизда) [16]

Декабрь ойида аҳолининг келгуси 12 ой бўлиб, медиана қиймати 14,4 фоизгача тез-учун инфляцион кутилмалари 15,5 фоизга тенг лашди.

1-жадвал


Аҳолининг инфляцион кутилмалари (レスポンデントラーニング ウルushi, фоизда) [17]

Омиллар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Валюта курсининг ўзгариши	37	49	54	43	26	25	33	35	42	44	51	49
Ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши	25	20	18	23	27	27	36	34	27	30	38	40
Нархларниң сунъий оширилиши	35	30	37	34	37	41	43	37	31	34	35	36
Иш ҳақи ва нафақаларниң ошиши	31	28	23	22	39	34	29	31	28	27	28	35
Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши	41	43	49	53	55	56	55	48	42	49	37	27
Турар жой ва ижара тўпларининг ошиши	15	14	11	14	11	11	12	15	18	22	22	20
Супермаркет ва бозорларда нархлар ўртасидаги фарқнинг юкорилиши	10	11	11	14	14	14	14	11	11	11	11	11

Келгуси даврда нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида валюта курсидаги ўзгаришлар ҳамда

ёқилғи ва энергия ресурслари нархининг қимматлашиши таъкидланган.

(2019й. сентябрь = 100%)



4-расм. Реал ва номинал самарали алмашув курси [18]

Реал самарали алмашув курси базавий даврга нисбатан 7,7 фоизга ва номинал самарали алмашув курси 0,4 фоизга мустаҳкамланди. Сўнгги чоракдаги мустаҳкамланиш асосий савдо ҳамкорларида миллий валюта курсининг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиши ва мамлакатимиздаги инфляция даражаси динамикаси билан боғлиқ бўлди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш мумкинки, жаҳон амалиётидаги иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган ва инфляцияга бағишиланган илмий фаолиятнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки:

- тарақкий этган давлатларда, хусусан, ривожланган молия бозорларига эга бўлган ва хукumatga ишонч даражаси юқори бўлган мамлакатларда паст инфляция шароитида пулнинг айланиш тезлигининг ўзгариши ташқи омиллар таъсирида юз беради;

- халқаро тажриба кўрсатадики, марказий банклар мустақиллик даражасининг юқори эканлиги ва пул агрегатларини мониторинг қилиш тизимининг ривожланганлиги пуллар таклифи ҳажмини назорат қилиш имконини беради. Шунинг учун пуллар таклифининг ўсиши пулларга бўлган талабнинг ўсишига нисбатан ўзига хос реакция ҳисобланади ва баҳоларнинг ўсишига олиб келмайди;

- халқаро тажриба ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, инфляциянинг юқори суръатларда ўсиши, одатда, давлат бюджети дефицитини молиялаштириш билан боғлиқ.

Мамлакатимизда инфляцияга қарши амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлардан фарқли ўлароқ, республикамизда инфляцияни юзага келтирувчи асосий омиллар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Манба ва фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли "Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармони. // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
2. Омонов А.А., Қоралиев Т.М. Пул ва банклар. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 448 б.
3. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В. 2 т. Пер. с англ. Т. I. – М.: Республика, 1992. С. 163.
4. Хейне П. Экономической образ мышления. – М., 1991. С. 484.
5. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 71 б.
6. Graude P., Polan M. Is Inflation Always and Everywhere a Monetary Phenomenon? Discussion Paper. № 2841 CEPR. 2001. June. P. 26-29.
7. Catao L., Terrones M. Fiscal Deficits and Inflation. // Working Paper. 65. IMF. P. 63-67.
8. Hess G., Morris C. The Long-Ruh Costs of Moderate Inflation. // Federal Reserve Bank of Kansas City Economic Review. 1996. Second Quarter. P. 71-88.
9. Пивоварова М.А. Международная научно-практическая конференция: "Инфляция и экономический рост: теория и практика". // Деньги и кредит. – М., 2006. № 7. С. 60.
10. Khan M. Senhadji. Thereshild Effects in the Relatioinshop between Inflation and Growth. // IMF Staff Papers. 2001. Vol. 48. P. 1-21.
11. Brouwer G. de, Eviesson N.R. Modeling Inflation in Australia. Journal of Business and Economic Statistics. 1998. Vol. 16. P. 24-29.
12. Hogan S., Johnson M., Lafleche T. Core Inflation. // Bank of Canada Technical Report, 2001. № 89. О.Хмыз. Базовая инфляция и ее измерение (зарубежный опыт). // – М.: Экономист, 2007. № 7. С. 65-77.
13. Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А., Шомуродов Р.Т. Монетар сиёсат. – Т.: Иқтисод-молия, 2019. 95-102-б.
14. ХВЖ, Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш истиқболлари, октябрь, 2022.
15. Cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

- Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг узлуксиз ўсиши билан истеъмол товарлари баҳоларининг ўсиши ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд;

- мамлакатимизда талаб инфляциясининг кучайиши натижасида ЯИМ дефляторининг юқори даражаси сақланиб қолмоқда;

- мамлакатимизда ҳам табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг ўсиш суръатларига эга эканлиги инфляцион жараёнларнинг юзага келишида муҳим ўрин тутмоқда;

- амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларга қарамасдан, республикамизда монетар сиёсатни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги.

Мамлакатимизда инфляцияга қарши кураш сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини тақомиллаштиришга қаратилган қўйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Ўзбекистонда инфляцион таргетлашни тўлақонли жорий қилиш ўйли билан инфляциянинг нисбатан паст ва барқарор даражасини таъминлаш мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг ўсиши билан истеъмол товарлари баҳоларининг ўсиши ўртасидаги бевосита боғлиқликни бартараф этиш лозим.

3. Табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг ўсиш суръатларига эга эканлиги инфляцион жараёнларнинг юзага келишида муҳим ўрин тутаётганлигини инобатга олиш лозим.